



**Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки**

# **Инфляцион кутилмаларни баҳолаш методологияси**

Пул-кредит сиёсати департаменти

Тошкент - 2024

## Аҳоли ва тадбиркорларнинг инфляцион кутилмалари ҳамда сезилган инфляция даражасини баҳолаш методологияси

### Сўров натижалари базасини шакллантириш

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмаларини аниқлаш мақсадида Марказий банк томонидан ҳар ойда онлайн сўровлар ўтказилади. Онлайн сўровлар Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармаларидаги “Нархлар ва иқтисодий кутилмаларни ўрганиш” бўлими ходимлари томонидан Телеграм платформасида ишлаб чиқилган махсус ботни ҳудудларда кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиш орқали ўтказилади.

Респондентлар ушбу махсус ботдаги саволларга<sup>1</sup> шахси кўрсатилмаган (аноним) тарзда жавоб бериш орқали сўровларда иштирок этади. Махсус бот орқали йиғилган натижалар автоматик тарзда сараланади ҳамда якуний маълумотлар базаси шакллантирилади. Автоматик саралаш давомида махсус бот жавобларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини текширади (1-ҳавола).

1-ҳавола

**Саралаш босқичида махсус бот орқали респондентларнинг жавоблари қуйидаги ҳолатларда автоматик тарзда ҳисобга олинмайди.**

#### **1-саралаш:**

Махсус бот орқали респондент сўровда **бир қурилмадан** (1 та IP манзилдан) фақатгина **бир маротаба** иштирок этиши мумкин.

#### **2-саралаш:**

Агар респондент сўровноманинг **барча саволларига тўлиқ жавоб бермаган** бўлса, ушбу респондентнинг жавоблари инобатга олинмайди.

#### **3-саралаш:**

Агар респондент сўровнома саволларини **1 дақиқадан кам вақт** сарфлаб тўлдирса, ушбу респондентнинг жавоби инобатга олинмайди.

Бунинг сабаби, аҳоли ва тадбиркорларнинг инфляцион кутилмаларини ўрганиш бўйича сўровномада жами 13 та савол мавжуд бўлиб, сўровнома саволларини тўлиқ ўқиб, тушуниб уларга жавоб бериш учун ўртача 2-4 дақиқа вақт талаб этилади.

#### **4-саралаш:**

Агар респондент сўровномада бир мазмундаги сифат ва миқдорий саволлар бўйича кетма-кетликда **мантиқан бир-бирига қарама-қарши жавобларни** белгилаган бўлса, ушбу респондентнинг жавоблари инобатга олинмайди.

<sup>1</sup> Сўровномадаги жами саволлар сони 13 тани ташкил этади. Сўровнома саволлари 2-иловада келтирилган.

Масалан, сўровноманинг “Сизнингча, келгуси 12 ойда нархлар қандай ўзгаради?” саволига респондент жавоб вариантлари орасидан **“юқори ошади”** варианты танлаб, сўровномадаги кейинги савол: “Сизнингча, келгуси 12 ойда нархлар қанчага ўзгаришини кутмоқдасиз?”, яъни аввалги саволни миқдорий тасдиқлашга қаратилган саволга жавоб вариантлари орасидан **“5 фоиз ёки камроқ”** варианты белгиласа, ушбу респондентнинг жавоби махсус бот томонидан инобатга олинмайди.

Шунингдек, “Сизнингча, келгуси 12 ойда нархлар қандай ўзгаради?” саволига респондент жавоб вариантлари орасидан **“пасаяди”** варианты танлаб, “Сизнингча, келгуси 12 ойда нархлар қанчага ўзгаришини кутмоқдасиз?” саволига жавоб вариантлари орасидан **“31% ёки ундан кўпроқ ошади”** варианты белгиласа, ушбу респондентнинг жавоби ҳам махсус бот томонидан инобатга олинмайди.

### Инфляцион кутилмалар ва сезилган инфляция даражасини баҳолаш

Дастлабки босқичда, якуний натижалар бўйича маълумотлар базаси Телеграм платформасидан юклаб олинади. Аҳоли ва тадбиркорлар саволномаси турли хил бўлганлиги боис, аҳоли жавоблари учун алоҳида, тадбиркорлар жавоблари учун алоҳида маълумотлар базаси шакллантирилади.

Уй хўжаликлари ва корхоналар натижалари бўйича шакллантирилган маълумотлар базасига асосланиб, республика бўйича аҳоли ва бизнес субъектларининг инфляцион кутилмалари ҳамда аҳоли томонидан сезилган инфляция даражасининг умумий кўрсаткичи аниқланади.

Инфляцион кутилмалар ҳамда сезилган инфляция даражасининг умумий кўрсаткичи ўртачалаш (*ўртача тортилган*) усулидан фойдаланиб, қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

Инфляцион кутилмаларни ҳисоблаш формуласи	Сезилган инфляция даражасини ҳисоблаш формуласи
$E_{inflation} = \frac{\sum_{i=1}^k (E_i * w_i)}{n}$	$P_{inflation} = \frac{\sum_{j=1}^k (P_j * w_j)}{n}$

Бунда,

$E_{inflation}$  – инфляцион кутилмалар умумий кўрсаткичи;

$P_{inflation}$  – сезилган инфляция умумий кўрсаткичи;

$n$  – сўровларда иштирок этган жами аҳоли (ёки тадбиркорлар) сони;

$k$  – инфляцион кутилмалар (ёки сезилган инфляция) саволи бўйича жавоб вариантлари сони;

$E_i$  – инфляцион кутилмалар саволига  $i$ -вариант жавобининг ўртача қиймати;

$w_i$  – инфляцион кутилмалар бўйича  $i$ -вариант жавобини танлаган аҳоли (ёки тадбиркорлар) сони;

$P_j$  – сезилган инфляция саволига  $j$ -вариант жавобининг ўртача қиймати;

$w_j$  – сезилган инфляция бўйича  $j$ -вариант жавобини танлаган аҳоли (ёки тадбиркорлар) сони.

### **Ҳудудлар, соҳалар, даромадлар кесимида инфляцион кутилмалар ва сезилган инфляция даражасини ҳисоблаш**

Иккинчи босқичда аҳоли ва тадбиркорлар вакилларининг сўров натижалари бўйича шакллантирилган маълумотлар базасига асосан, ҳудудлар, соҳалар ва даромадлар кесимида инфляцион кутилмалар ва сезилган инфляция даражаси аниқланади.

Ҳудудлар, соҳалар ва даромадлар кесимида иқтисодиёт субъектларининг инфляцион кутилмалари ва сезилган инфляция даражаси ҳам ўртачалаш (*ўртача тортилган*) усулидан фойдаланиб, қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

Инфляцион кутилмаларни ҳудудлар, соҳалар, даромадлар кесимида ҳисоблаш формуласи	Сезилган инфляция даражасини ҳудудлар, соҳалар, даромадлар кесимида ҳисоблаш формуласи
$E_L = \frac{\sum_{i=1}^k E_{i,L}^{hh} * w_{i,L}^{hh}}{n_L^{hh}}$	$P_L = \frac{\sum_{j=1}^k P_{j,L}^{hh} * w_{j,L}^{hh}}{n_L^{hh}}$

Бунда,

$E_L$  – ҳудудлар, соҳалар, даромадлар кесимидаги инфляцион кутилмалар;

$P_L$  – ҳудудлар, соҳалар, даромадлар кесимидаги сезилган инфляция;

$L$  – категория {ҳудудлар, соҳалар, даромадлар};

$n_L$  –  $L$  – категория бўйича сўровларда иштирок этган жами аҳоли (ёки тадбиркорлар) сони;

$k$  – инфляцион кутилмалар (ёки сезилган инфляция) саволи бўйича жавоб вариантлари сони;

$E_{i,L}$  –  $L$  – категория бўйича инфляцион кутилмалар саволига  $i$ -вариант жавобининг ўртача қиймати;

$w_{i,L}$  –  $L$  – категория бўйича инфляцион кутилмалар саволига  $i$ -вариант жавобини танлаган аҳоли (ёки тадбиркорлар) сони;

$P_{j,L}$  –  $L$  – категория бўйича сезилган инфляция саволига  $j$ -вариант жавобининг ўртача қиймати;

$w_{j,L}$  –  $L$  – категория бўйича сезилган инфляция саволига  $j$ -вариант жавобини танлаган аҳоли (ёки тадбиркорлар) сони.

## Инфляцион кутилмалар омилларини таҳлил қилиш

Учинчи босқичда аҳоли ва тадбиркорларнинг инфляцион кутилмаларига таъсир кўрсатган асосий омиллар таҳлил қилинади. Хусусан, сўровномада инфляцион кутилмаларга таъсир кўрсатадиган асосий омиллар келтириб ўтилган бўлиб, бунда респондентлар бир ёки бир нечта омилларни белгилаши мумкин.

Инфляцион кутилмалар шаклланишига таъсир кўрсатган омилларнинг қайд этилиш даражаси тегишли омилни белгилаган респондентлар сонини сўровда иштирок этган жами респондентлар сонига бўлиш орқали аниқланади:

Аҳоли инфляцион кутилмаларига таъсир кўрсатган омиллар улушини ҳисоблаш формуласи	Тадбиркорлар инфляцион кутилмаларига таъсир кўрсатган омиллар улушини ҳисоблаш формуласи
$F_j^{hh} = \frac{1}{N} \sum_{i=1}^N K \{i = j\} \times 100$ $K \{i = j\} = \begin{cases} 0, & i \neq j \\ 1, & i = j \end{cases}$	$F_j^{bs} = \frac{1}{N} \sum_{i=1}^N K \{i = j\} \times 100$ $K \{i = j\} = \begin{cases} 0, & i \neq j \\ 1, & i = j \end{cases}$

Бунда, агар аҳоли ва тадбиркорлар вакиллари орасида  $i$  – респондент инфляцион кутилмаларига таъсир кўрсатган омиллардан бири сифатида  $j$  – омилни белгиласа, ушбу омилга 1 берилади, акс ҳолда 0 берилади.

## Сўровлар натижаларини чоп этиш

Аҳоли ва тадбиркорларнинг республика, ҳудудлар, соҳалар ва даромадлар кесимидаги инфляцион кутилмалари ва сезилган инфляция даражаси ҳамда уларга таъсир кўрсатган асосий омиллар ўрганилиб, натижалар ҳар ойда инфографика кўринишида Марказий банкнинг расмий веб-саҳифасида ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида эълон қилиб борилади.

2024 йил октябрь ойида ўтказилган сўровлар натижалари мисолида  
инфляцион кутилмалар ва сезилган инфляция даражасини баҳолаш тартиби

Аҳоли инфляцион кутилмалари

Инфляцион кутилмалар (фоиз оралиғида)	Инфляцион кутилмалар (ўртача қиймати)	Респондентлар сони	Ўртача тортилган қиймати	
A	B	C	$D = B \times C$	$E = D \div C$
5% ва ундан паст	2,5	321	802,5	26 328,5 ÷ 2 063
6-8% гача	7,0	344	2 408	
9-12% гача	10,5	576	6 048	
13-16% гача	14,5	317	4 596,5	
17-20% гача	18,5	201	3 718,5	
21-25% гача	23,0	141	3 243	
26-30% гача	28,0	84	2 352	
31% ва ундан юқори	40,0	79	3 160	
<b>Жами</b>		<b>2 063</b>	<b>26 328,5</b>	<b>12,8</b>

Тадбиркорлар инфляцион кутилмалари

Инфляцион кутилмалар (фоиз оралиғида)	Инфляцион кутилмалар (ўртача қиймати)	Респондентлар сони	Ўртача тортилган қиймати	
A	B	C	$D = B \times C$	$E = D \div C$
5% ва ундан паст	2,5	263	657,5	19 823 ÷ 1 653
6-8% гача	7,0	315	2 205	
9-12% гача	10,5	467	4 903,5	
13-16% гача	14,5	284	4 118	
17-20% гача	18,5	134	2 479	
21-25% гача	23,0	104	2 392	
26-30% гача	28,0	31	868	
31% ва ундан юқори	40,0	55	2 200	
<b>Жами</b>		<b>1 653</b>	<b>19 823</b>	<b>12,0</b>

## Аҳоли томонидан сезилган инфляция даражаси

Инфляцион кутилмалар (фоиз оралиғида)	Инфляцион кутилмалар (ўртача қиймати)	Респондентлар сони	Ўртача тортилган қиймати	
A	B	C	$D = B \times C$	$E = D \div C$
5% ва ундан паст	2,5	296	740	28 724,5 ÷ 2 173
6-8% гача	7,0	351	2 457	
9-12% гача	10,5	642	6 741	
13-16% гача	14,5	302	4 379	
17-20% гача	18,5	235	4 347,5	
21-25% гача	23,0	152	3 496	
26-30% гача	28,0	103	2 884	
31% ва ундан юқори	40,0	92	3 680	
<b>Жами</b>		<b>2 173</b>	<b>28 724,5</b>	<b>13,2</b>

## Тадбиркорлар томонидан сезилган инфляция даражаси

Инфляцион кутилмалар (фоиз оралиғида)	Инфляцион кутилмалар (ўртача қиймати)	Респондентлар сони	Ўртача тортилган қиймати	
A	B	C	$D = B \times C$	$E = D \div C$
5% ва ундан паст	2,5	314	785	19 489,5 ÷ 1 653
6-8% гача	7,0	313	2 191	
9-12% гача	10,5	425	4 462,5	
13-16% гача	14,5	266	3 857	
17-20% гача	18,5	150	2 775	
21-25% гача	23,0	89	2 047	
26-30% гача	28,0	39	1 092	
31% ва ундан юқори	40,0	57	2 280	
<b>Жами</b>		<b>1 653</b>	<b>19 489,5</b>	<b>11,8</b>

## Аҳоли инфляцияцион кутилмалари (худудлар кесимида)

Худудлар	5 фоиз ва ундан кам	6% - 8%	9% - 12%	13% - 16%	17% - 20%	21% - 25%	26% - 30%	31 фоиз ва юқори	Жами	Ўртача тортилган
Қорақалпоғистон	28	29	44	23	9	6	4	2	145	10,8
Андижон вил.	15	24	28	37	19	6	3	7	139	13,6
Бухоро вил.	25	14	40	12	16	4	4	2	117	11,4
Жиззах вил.	26	35	29	22	15	16	6	7	156	13,0
Навоий вил.	23	32	45	22	12	6	3	4	147	11,4
Наманган вил.	26	31	29	19	19	15	7	10	156	13,8
Самарқанд вил.	16	10	46	33	9	10	5	7	136	13,9
Сирдарё вил.	25	28	28	27	22	14	8	8	160	13,9
Сурхондарё вил.	29	22	47	17	14	6	5	4	144	11,6
Тошкент вил.	16	30	50	23	24	21	13	9	186	14,8
Фарғона вил.	8	17	68	19	7	3	6	4	132	12,5
Қашқадарё вил.	24	23	37	18	13	14	3	7	139	12,9
Хоразм вил.	18	18	46	21	9	8	9	3	132	12,7
Тошкент ш.	42	31	39	24	13	12	8	5	174	11,6
<b>Жами</b>	<b>321</b>	<b>344</b>	<b>576</b>	<b>317</b>	<b>201</b>	<b>141</b>	<b>84</b>	<b>79</b>	<b>2063</b>	<b>12,8</b>

## Аҳоли инфляцияцион кутилмалари (Самарқанд вилояти мисолида)

Инфляцияцион кутилмалар (фоиз оралиғида)	Инфляцияцион кутилмалар (ўртача қиймати)	Респондентлар сони	Ўртача тортилган қиймати	
А	В	С	$D = B \times C$	$E = D \div C$
5% ва ундан паст	2,5	16	40	1 888 ÷ 136
6-8% гача	7,0	10	70	
9-12% гача	10,5	46	483	
13-16% гача	14,5	33	478,5	
17-20% гача	18,5	9	166,5	
21-25% гача	23,0	10	230	
26-30% гача	28,0	5	140	
31% ва ундан юқори	40,0	7	280	
<b>Жами</b>		<b>136</b>	<b>1 888</b>	<b>13,9</b>



## Тадбиркорлар инфляцияцион кутилмалари (ҳудудлар кесимида)

Ҳудудлар	5 фоиз ва ундан кам	6% - 8%	9% - 12%	13% - 16%	17% - 20%	21% - 25%	26% - 30%	31 фоиз ва юқори	Жами	Ўртача тортилган
Қорақалпоғистон	27	20	31	15	4	5	3	1	106	10.0
Андижон вил.	3	20	39	23	8	10	4	3	110	13.6
Бухоро вил.	25	27	45	16	10	8	3	2	136	10.9
Жиззах вил.	26	21	27	21	11	17	0	6	129	12.7
Навоий вил.	12	15	28	16	14	8	2	8	103	14.4
Наманган вил.	35	39	41	14	17	10	2	3	161	10.6
Самарқанд вил.	11	13	31	35	3	6	1	2	102	12.3
Сирдарё вил.	19	12	23	29	4	5	2	3	97	11.9
Сурхондарё вил.	23	22	33	15	14	4	2	5	118	11.7
Тошкент вил.	25	28	34	24	14	10	5	7	147	12.7
Фарғона вил.	6	26	50	14	5	6	2	1	110	11.4
Қашқадарё вил.	16	23	28	14	9	4	0	4	98	11.4
Хоразм вил.	13	11	31	35	8	1	1	2	102	12.0
Тошкент ш.	22	38	26	13	13	10	4	8	134	12.6
<b>Жами</b>	<b>263</b>	<b>315</b>	<b>467</b>	<b>284</b>	<b>134</b>	<b>104</b>	<b>31</b>	<b>55</b>	<b>1653</b>	<b>12.0</b>

## Тадбиркорлар инфляцияцион кутилмалари (Навоий вилояти мисолида)

Инфляцияцион кутилмалар (фоиз оралиғида)	Инфляцияцион кутилмалар (ўртача қиймати)	Респондентлар сони	Ўртача тортилган қиймати	
А	В	С	$D = B \times C$	$E = D \div C$
5% ва ундан паст	2,5	12	30	1 480 ÷ 103
6-8% гача	7,0	15	105	
9-12% гача	10,5	28	294	
13-16% гача	14,5	16	232	
17-20% гача	18,5	14	259	
21-25% гача	23,0	8	184	
26-30% гача	28,0	2	56	
31% ва ундан юқори	40,0	8	320	
<b>Жами</b>		<b>103</b>	<b>1 480</b>	<b>14,4</b>

## Аҳолининг инфляцион кутилмаларини аниқлаш бўйича

## СЎРОВНОМА

(2024 йил октябрь)

Фаолият соҳангиз	Ёшингиз	Ўртача ойлик даромадингиз
Ишлаб чиқариш	<input type="checkbox"/>	19 ёшдан кичик <input type="checkbox"/>
Қишлоқ хўжалиги	<input type="checkbox"/>	20 - 29 ёшгача <input type="checkbox"/>
Қурилиш	<input type="checkbox"/>	30 - 39 ёшгача <input type="checkbox"/>
Савдо	<input type="checkbox"/>	40 - 49 ёшгача <input type="checkbox"/>
Таълим	<input type="checkbox"/>	50 - 59 ёшгача <input type="checkbox"/>
Соғлиқни сақлаш	<input type="checkbox"/>	60 ёшдан катта <input type="checkbox"/>
Транспорт	<input type="checkbox"/>	Даромадга эга эмасман <input type="checkbox"/>
Банк-молия	<input type="checkbox"/>	1 млн.сўмгача <input type="checkbox"/>
Пенсионер	<input type="checkbox"/>	1 - 2 млн.сўм <input type="checkbox"/>
Талаба	<input type="checkbox"/>	2 - 3 млн.сўм <input type="checkbox"/>
Бошқа _____	<input type="checkbox"/>	3 - 4 млн.сўм <input type="checkbox"/>
		4 - 5 млн.сўм <input type="checkbox"/>
		5 - 7 млн.сўм <input type="checkbox"/>
		7 - 10 млн.сўм <input type="checkbox"/>
		10 - 15 млн.сўм <input type="checkbox"/>
		15 млн.сўмдан юқори <input type="checkbox"/>

## СЕЗИЛГАН ИНФЛЯЦИЯ

## 1. Сизнингча, октябрь ойида нархлар қандай ўзгарди?

1.	Юқори ошди	<input type="checkbox"/>
2.	Бироз ошди	<input type="checkbox"/>
3.	Ўзгармади	<input type="checkbox"/>
4.	Бироз пасайди	<input type="checkbox"/>
5.	Пасайди	<input type="checkbox"/>
6.	Жавоб беришга қийналаман	<input type="checkbox"/>

## 2. Ўтган 12 ойда нархлар тахминан неча фоизга ошди?

1.	5% ёки камроқ	<input type="checkbox"/>
2.	6% - 8%	<input type="checkbox"/>
3.	9% - 12%	<input type="checkbox"/>
4.	13% - 16%	<input type="checkbox"/>
5.	17% - 20%	<input type="checkbox"/>
6.	21% - 25%	<input type="checkbox"/>
7.	26% - 30%	<input type="checkbox"/>
8.	31% ва ундан кўпроқ	<input type="checkbox"/>
9.	Жавоб беришга қийналаман	<input type="checkbox"/>

## 3. Октябрь ойида қайси товар ёки хизматларнинг нархи юқори даражада ошди?

(Бир нечта жавобни белгилаш мумкин)

1. Мева ва сабзавотлар	<input type="checkbox"/>	11. Қурилиш моллари	<input type="checkbox"/>
2. Гўшт ва сут	<input type="checkbox"/>	12. Дорилар	<input type="checkbox"/>
3. Ўсимлик ёғи	<input type="checkbox"/>	13. Гигиена ва тозалаш воситалари	<input type="checkbox"/>
4. Нон ва ун маҳсулотлари	<input type="checkbox"/>	14. Йўлкара ва ташиш хизматлари	<input type="checkbox"/>
5. Гуруч	<input type="checkbox"/>	15. Таълим хизматлари	<input type="checkbox"/>
6. Шакар ва қандолатлар	<input type="checkbox"/>	16. Тиббий хизматлар	<input type="checkbox"/>
7. Тухум	<input type="checkbox"/>	17. Маиший хизматлар	<input type="checkbox"/>
8. Кийим ва пойафзал	<input type="checkbox"/>	18. Таъмирлаш хизматлар	<input type="checkbox"/>
9. Бензин ва ёқилғи	<input type="checkbox"/>	19. Ижара ҳақи	<input type="checkbox"/>
10. Маиший техника	<input type="checkbox"/>	20. Кафе-ресторан хизматлари	<input type="checkbox"/>
		21. Электр ва табиий газ	<input type="checkbox"/>

## ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАР

## 4. Келгуси 12 ойда нархлар қандай ўзгаради?

1.	Юқори ошади	<input type="checkbox"/>
2.	Бироз ошади	<input type="checkbox"/>
3.	Ўзгармайди	<input type="checkbox"/>
4.	Бироз пасаяди	<input type="checkbox"/>
5.	Пасаяди	<input type="checkbox"/>
6.	Жавоб беришга қийналаман	<input type="checkbox"/>

## 5. Келгусида нархлар ошишининг асосий сабаблари нима бўлиши мумкин?

1.	Коммунал хизматларнинг қимматлашиши	<input type="checkbox"/>
2.	Транспорт (йўл кира) харажатларининг ошиши	<input type="checkbox"/>
3.	Ёқилғи ва энергия ресурслари қимматлашиши	<input type="checkbox"/>
4.	Монополия ва нархларнинг сунъий оширилиши	<input type="checkbox"/>
5.	Ҳосилдорликнинг камайиши	<input type="checkbox"/>
6.	Доллар курсининг ошиши	<input type="checkbox"/>
7.	Асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг қимматлашиши	<input type="checkbox"/>
8.	Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши	<input type="checkbox"/>
9.	Бозордаги маҳсулотлар таклифининг камайиши	<input type="checkbox"/>
10.	Чекловлар сабабли импорт товарлари қимматлашиши	<input type="checkbox"/>
11.	Бошқа: _____	<input type="checkbox"/>

## 6. Келгуси 12 ойда нархлар қанчага ўзгаришини кутмоқдасиз?

1.	5% ва ундан камроқ	<input type="checkbox"/>
2.	6% - 8%	<input type="checkbox"/>
3.	9% - 12%	<input type="checkbox"/>
4.	13% - 16%	<input type="checkbox"/>
5.	17% - 20%	<input type="checkbox"/>
6.	21% - 25%	<input type="checkbox"/>
7.	26% - 30%	<input type="checkbox"/>
8.	31% ва ундан кўпроқ	<input type="checkbox"/>
9.	Жавоб беришга қийналаман	<input type="checkbox"/>

## 7. Беш йилдан кейин йиллик инфляция қанча бўлади деб ўйлайсиз?

1.	5% ва ундан камроқ	<input type="checkbox"/>
2.	6% - 8%	<input type="checkbox"/>
3.	9% - 12%	<input type="checkbox"/>
4.	13% - 16%	<input type="checkbox"/>
5.	17% - 20%	<input type="checkbox"/>
6.	21% - 25%	<input type="checkbox"/>
7.	26% - 30%	<input type="checkbox"/>
8.	31% ва ундан кўпроқ	<input type="checkbox"/>
9.	Жавоб беришга қийналаман	<input type="checkbox"/>

## ҚЎШИМЧА САВОЛЛАР

## 8. Инфляцияни 5 фоизлик мақсадли кўрсаткичига қачон эришилади?

1.	2025 йил	<input type="checkbox"/>
2.	2026 йил	<input type="checkbox"/>
3.	2027 йил ва ундан кейин	<input type="checkbox"/>
4.	Жавоб беришга қийналаман	<input type="checkbox"/>

**Тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмаларини аниқлаш бўйича  
СЎРОВНОМА**  
(2024 йил октябрь)

**Фаолият соҳангиз****Корхонангизда нечта ходим ишлайди?**

Ишлаб чиқариш	<input type="checkbox"/>	5 ва ундан камроқ	<input type="checkbox"/>
Қишлоқ хўжалиги	<input type="checkbox"/>	5 дан 10 гача	<input type="checkbox"/>
Қурилиш	<input type="checkbox"/>	10 дан 20 гача	<input type="checkbox"/>
Транспорт	<input type="checkbox"/>	20 дан 50 гача	<input type="checkbox"/>
Савдо	<input type="checkbox"/>	50 дан 100 гача	<input type="checkbox"/>
Умумий овқатланиш	<input type="checkbox"/>	100 ва ундан юқори	<input type="checkbox"/>
Дорихоналар	<input type="checkbox"/>		
Туризм	<input type="checkbox"/>		

**СЕЗИЛГАН ИНФЛЯЦИЯ****1. Октябрь ойида иқтисодиётда нархлар қандай ўзгарди?**

1.	Юқори ошди	<input type="checkbox"/>
2.	Бироз ошди	<input type="checkbox"/>
3.	Ўзгармади	<input type="checkbox"/>
4.	Бироз пасайди	<input type="checkbox"/>
5.	Пасайди	<input type="checkbox"/>

**2. Ўтган 12 ойда нархлар тахминан неча фоизга ошди?**

1.	5% ва ундан камроқ	<input type="checkbox"/>
2.	6% - 8%	<input type="checkbox"/>
3.	9% - 12%	<input type="checkbox"/>
4.	13% - 16%	<input type="checkbox"/>
5.	17% - 20%	<input type="checkbox"/>
6.	21% - 25%	<input type="checkbox"/>
7.	26% - 30%	<input type="checkbox"/>
8.	31% ва ундан кўпроқ	<input type="checkbox"/>

**ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАР****3. Келгуси 12 ойда нархлар қандай ўзгаради?**

1.	Юқори ошади	<input type="checkbox"/>
2.	Бироз ошади	<input type="checkbox"/>
3.	Ўзгармайди	<input type="checkbox"/>
4.	Бироз пасаяди	<input type="checkbox"/>
5.	Пасаяди	<input type="checkbox"/>

**4. Келгусида нархлар ошишининг асосий сабаблари нималар бўлиши мумкин?**

1.	Транспорт харажатларининг ошиши	<input type="checkbox"/>
2.	Коммунал хизматларнинг қимматлашиши	<input type="checkbox"/>
3.	Ёқилғи ва энергия ресурслари қимматлашиши	<input type="checkbox"/>
4.	Иқтисодиётда рақобат муҳитининг ёмонлашиши	<input type="checkbox"/>
5.	Иқлим ўзгариши натижасида ҳосилдорликнинг камайиши	<input type="checkbox"/>
6.	Доллар курсининг ошиши	<input type="checkbox"/>
7.	Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши	<input type="checkbox"/>
8.	Энергия ресурслари тармоқларидаги узилишлари	<input type="checkbox"/>
9.	Хомашё маҳсулотлари нархларининг қимматлашиши	<input type="checkbox"/>
11.	Чекловлар натижасида импорт товарлари қимматлашиши	<input type="checkbox"/>
12.	Солиқ юқининг юқорилиги	<input type="checkbox"/>
13.	Бошқа: _____	<input type="checkbox"/>

## 5. Келгуси 12 ойда нархлар қанчага ўзгаришини кутмоқдасиз?

1.	5% ва ундан камроқ	<input type="checkbox"/>
2.	6% - 8%	<input type="checkbox"/>
3.	9% - 12%	<input type="checkbox"/>
4.	13% - 16%	<input type="checkbox"/>
5.	17% - 20%	<input type="checkbox"/>
6.	21% - 25%	<input type="checkbox"/>
7.	26% - 30%	<input type="checkbox"/>
8.	31% ва ундан кўпроқ	<input type="checkbox"/>

## 6. Келгуси 12 ойда ишлаб чиқараётган маҳсулотингиз ёки хизматингиз нарhini қандай ўзгартирмоқчисиз?

1.	Юқори ошираман	<input type="checkbox"/>
2.	Бироз ошираман	<input type="checkbox"/>
3.	Ўзгартирмайман	<input type="checkbox"/>
4.	Бироз пасайтираман	<input type="checkbox"/>
5.	Пасайтираман	<input type="checkbox"/>

## 7. Келгуси 12 ойда ишлаб чиқараётган маҳсулотингиз ёки хизматингиз нарhini қанчага ўзгартирмоқчисиз?

1.	5% ва ундан камроқ	<input type="checkbox"/>
2.	6% - 8%	<input type="checkbox"/>
3.	9% - 12%	<input type="checkbox"/>
4.	13% - 16%	<input type="checkbox"/>
5.	17% - 20%	<input type="checkbox"/>
6.	21% - 25%	<input type="checkbox"/>
7.	26% - 30%	<input type="checkbox"/>
8.	31% ва ундан кўпроқ	<input type="checkbox"/>

## 8. Беш йилдан кейин йиллик инфляция қанча бўлади деб ўйлайсиз?

1.	5% ва ундан камроқ	<input type="checkbox"/>
2.	6% - 8%	<input type="checkbox"/>
3.	9% - 12%	<input type="checkbox"/>
4.	13% - 16%	<input type="checkbox"/>
5.	17% - 20%	<input type="checkbox"/>
6.	21% - 25%	<input type="checkbox"/>
7.	26% - 30%	<input type="checkbox"/>
8.	31% ва ундан кўпроқ	<input type="checkbox"/>

## ҚЎШИМЧА САВОЛЛАР

## 9. Инфляциянинг 5 фоизлик мақсадли кўрсаткичига қачон эришилади?

1.	2025 йил	<input type="checkbox"/>
2.	2026 йил	<input type="checkbox"/>
3.	2027 йил ва ундан кейин	<input type="checkbox"/>
4.	Жавоб беришга қийналаман	<input type="checkbox"/>